O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

*Ватан ҳимояси - иймон рамзи*

# ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 2004 йил, 29 апрель, пайшанба № 51 (1939).

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

● Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Четверг, 29 апреля, 2004 г. № 51 (1939).

Газета издается с 24 июня 1992 г.

● В розницу — цена свободная.

## ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ЎН ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси 29 апрель куни эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 29 апрель куни эрталаб соат 8.30 дан 10.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

28 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари иштирокида кенгайтирилган йиғилиши бўлди.

Йиғилишни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов олиб борди.

Кенгаш аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари, иккинчи чақириқ парламентининг ўн тўртинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи раҳбари Б. Бугровнинг сессияга тайёргарлик даврида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ахборотини тингладилар.

Парламент қўмиталари ва комиссияларининг раислари Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессияси муҳокамасига киритилаётган қонун лойиҳалари ҳамда бошқа ҳужжатларнинг тайёр эканлиги тўғрисида ахборот бердилар, сессия ишини ташкил этиш юзасидан фикр алмашдилар.

Кенгаш Молия вазири М. Нурмуродовнинг Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг 2003 йилдаги ижроси тўғрисидаги ахборотини тинглади. Йиғилиш иштирокчилари мамлакат асосий молиявий ҳужжатининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот лойиҳасини маъқулладилар ҳамда уни парламентнинг ўн тўртинчи сессияси муҳокамасига киритиш ҳақида қарор қабул қилдилар.

Кенгаш аъзолари Олий Мажлиснинг бўлғуси сессияси муҳокамасига киритилаётган қўшимча масалаларни муҳокама этдилар ҳамда уларни ўн тўртинчи сессия кун тартибига киритишни депутатларга тавсия этиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Йиғилиш иштирокчилари Олий Мажлис ўн тўртинчи сессияси Котибиятининг сиёсий партиялар депутатлар фракциялари, ҳокимият вакиллик органлари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блоклари раҳбарлари билан келишилган ҳолда таклиф этилаётган таркибини ҳам кўриб чиқдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

## ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ВА ЗАМОН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология бош бошқармаси Марказий Осиёдаги нуфузли илмий муассасалардандир. Бугунги кунда мазкур хизмат томонидан тарқатилаётган об-ҳаво, иқлимдаги ўзгаришлар, рўй бериши кутилаётган табиий ҳодисалар, атроф-муҳит ифлосланиши даражаси ва бошқа табиий вазиятларга алоқадор тезкор маълумотлар халқ хўжалиги учун ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Соҳада замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш, мутахассислар малака ва маҳоратини оширишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бу борада хориждаги тегишли ташкилот, муассаса, илмий марказлар билан яқин алоқалар йўлга қўйилган. Жумладан, АҚШнинг Халқаро тараққиёт агентлиги — ЮСАИДнинг Марказий Осиёда табиий ресурслар бошқарувини такомиллаштириш дастури билан ҳамкорликда амалга оширилаётган об-ҳаво ва сув ресурслари ҳақидаги маълумотларни янада мукаммаллаштириш, ахборот тўплаш, узатиш, қайта ишлаш ва алмашиш бўйича амалга оширилаётган ишлар шу мақсадга йўналтирилган.

Бу борада ЮСАИД яна бир хайрли ишга қўл урди. У Ўзбекистон Гидрометеорология бош бошқармасига метеорологик станцияларга хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида еттита махсус автотранспорт воситасини тақдим этди. Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Пурнелл иштирок этди.

**Б. ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Озарбойжонда навоийхонлик

Ўзбек ва озарбойжон халқларининг маданий алоқалари кўп асрлик тарихга эга. Озарбойжон Президенти Илҳом Алиевнинг яқинда юртимизга ташрифи чоғида, пойтахтимизда Шарқнинг буюк мутафаккирларидан бири Низомий Ганжавий ҳайкали очилди.

Озарбойжон ахборот маҳкамаси тарқатган хабарларга кўра, 27 апрелда Бокудаги Рашид Беҳбудов номидаги Давлат Мусиқа театрида «Фузулий ва Навоий шеърият кечаси» ўтказилган. Тадбирда Озарбойжоннинг таниқли маданият ва санъат арбоблари, шоир ва ёзувчилари, Ўзбекистоннинг Озарбойжондаги элчихонаси вакиллари иштирок этган.

Кечада икки буюк шоир бебаҳо меросининг бугунги кундаги аҳамияти, шунингдек, ўзбек ва озарбойжон халқларининг ҳаётидаги муштараклик ҳақида сўз юритилган. Тадбирда сўзга чиққан мамлакатимизнинг Озарбойжон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Абдуғофур Абдураҳмонов, Ўзбекистон «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари ўринбосари Султонмурод Олимов, озарбойжонлик таниқли навоийшунос олима Жаннат Нагиева ва бошқалар икки мамлакат адабиётининг етук намояндалари ижодидаги умумийлик халқларимиз ўртасидаги азалий дўстлик намунаси эканини таъкидладилар.

Кечада озарбойжонлик санъат усталари ижросида Навоий ва Фузулий ғазалларига басталанган қўшиқлар янгради.

**Рустам ЖАББОРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Содиқ қолажаклар

**Кеча Чирчиқ гарнизонида ҳам катта тантаналар бўлди — подполковник Маҳамадумар Мамадалиев бошчилигидаги бўлинма сафарбарлик чақируви резерви (СЧР) навбатдаги ойлик йиғини иштирокчилари Ҳарбий қасамёд қабул қилишди.**



Тадбирни Тошкент ҳарбий округи қўмондони генерал-майор Баҳодир Тошматов кириш сўзи билан очиб, йигитларни ҳаётидаги унутилмас воқеа билан қизғин қутлади.

Шунингдек, табрик учун халқимизнинг севимли шоири Нормурод Нарзуллаев, Чирчиқ шаҳри ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Шоҳида Ирисметова, пойтахт вилояти «Нуроний» жамғармаси раиси Нўъмон ота Насимов, вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи полковник Зоҳиджон Аҳмедходжаев, СЧРдаги фуқаронинг онаси Мўътабар опа Муҳитдиновалар сўзга чиқиб, эзгу тилакларини билдиришди.

Ҳарбий қасамёд қабул қилганлар номидан Ҳикматилла Хафизов сўз олиб, Ватанга содиқлик онтига доимо содиқ қолишга, юртимиз равнақига муносиб ҳисса қў-

(Давоми 2-бетда).

● СЛУЖБА — МЕСЯЦ, БОЕГОТОВНОСТЬ — ВСЕГДА

## ЗДЕСЬ МНЕ НРАВИТСЯ!

**Завершились очередные сборы граждан мобилизационно-призывного резерва в одной из частей Термезского гарнизона. После принятия военной присяги еще один отряд сурхандарьинцев пополнил обученный резерв Вооруженных Сил Республики Узбекистан.**

Командир батальона майор Исламбек Нишанбаев доволен. За короткий срок благодаря напряженному труду командования сборов учебный план выполнен, программа обучения усвоена успешно. Заметно выросла ответственность постоянного состава. Офицеры и военнослужащие по контракту приобрели опыт проведения занятий, научились в небольшой отрезок времени доводить до служащих МПР максимум информации, необходимой им для успешного ведения современного

(Окончание на 2-й стр.)

● ФУТБОЛ. ЧЕМПИОНАТ УЗБЕКИСТАНА. ВЫСШАЯ ЛИГА

# ОСЕЧКА ЛИДЕРА

**7-й тур: «Навбахор»— «Трактор» — 1:0, «Кызылкум» — «Бухара» — 1:2, «Самарканд» — «Согдиана» — 4:0, «Андижан» — «Металлург» — 3:0, «Локомотив» — «Сурхан» — 0:0, «Насаф» — «Пахтакор» — 0:0, «Нефтчи» — «Машъал» — 3:0.**

После этого тура противостояние двух извечных соперников — столичного «Пахтакора» и ферганского «Нефтчи» — заметно усилилось. А причиной тому послужил ничейный исход поединка в Каршах, где местный «Насаф» не дал возможности форвардам ташкентцев проявить свои бомбардирские качества, правда, и сам при этом не сумел отличиться. Таким образом, чемпион понес первые потери, чем незамедлительно воспользовались нефтяники. Убедительно переиграв на своем поле мубарекский «Машъал», они вплотную приблизились к «Пахтакору», от которого отстают теперь только на одно очко. В очередном туре мы могли стать свидетелями острейшего поединка, но матч восьмого тура, где должны были выяснять между собой отношения «Пахтакор» и «Нефтчи», перенесен на более поздние сроки из-за участия этих коллективов в розыгрыше Лиги чемпионов Азии.

Результаты остальных поединков перед вами. На мой взгляд, они выглядят вполне предсказуемыми, разве что несколько удивил «Кызылкум», уступивший на своем поле «Бухаре».

Ярослав КОРУКА.

**ПОЛОЖЕНИЕ КОМАНД ПОСЛЕ 7-го ТУРА:**

| | И | В | Н | П | М | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. «Пахтакор» | 7 | 6 | 1 | 0 | 21—1 | 19 |
| 2. «Нефтчи» | 7 | 6 | 0 | 1 | 15—3 | 18 |
| 3. «Навбахор» | 7 | 5 | 1 | 1 | 14—3 | 16 |
| 4. «Насаф» | 7 | 4 | 1 | 2 | 15—5 | 13 |
| 5. «Бухара» | 7 | 3 | 1 | 3 | 6—13 | 10 |
| 6. «Локомотив» | 7 | 2 | 3 | 2 | 7—4 | 9 |
| 7. «Трактор» | 7 | 3 | 0 | 4 | 7—14 | 9 |
| 8. «Металлург» | 7 | 3 | 0 | 4 | 5—14 | 9 |
| 9. «Кызылкум» | 7 | 2 | 2 | 3 | 10—14 | 8 |
| 10. «Андижан» | 7 | 2 | 1 | 4 | 7—11 | 7 |
| 11. «Сурхан» | 7 | 2 | 1 | 4 | 8—15 | 7 |
| 12. «Машъал» | 7 | 1 | 2 | 4 | 8—11 | 7 |
| 13. «Самарканд» | 7 | 2 | 0 | 5 | 7—13 | 6 |
| 14. «Согдиана» | 7 | 1 | 1 | 5 | 2—8 | 4 |

## АФИНАГА ЯНА ТЎРТ ЙЎЛЛАНМА

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси матбуот марказидан ЎзА мухбирига хабар беришларича, яна тўрт нафар ҳамюртимиз Олимпиада ўйинлари йўлланмасига сазовор бўлган. Академик эшкак эшиш бўйича Хитойда ўтказилган Осиё чемпионатида юқори натижа кўрсатган Владимир Черненко, Руслан Наурзалиев, Сергей Богданов ҳамда Елена Усарова Афинада юртимиз спорт шарафини ҳимоя қиладилар.

Ўзбекистонлик сув спорти усталарида яна бир нечта йўлланмага сазовор бўлиш имкони мавжуд. Бунинг учун вакилларимиз 14—16 май кунлари Японияннинг Камацу шаҳрида каноэ ва байдаркада эшкак эшиш бўйича ўтказиладиган Осиё чемпионатида муваффақиятли қатнашиши лозим. Ушбу мусобақада биринчи ўринни эгаллаган спортчиларга олимпия лицензияси бериладн.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

● ТЕЛЕАНОНС

## «ВАТАНИМГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН»

**9 май соат 10 да** Ўзбекистон телевидениеси биринчи каналида Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги ҳарбий студияси тайёрлаган «Ватанимга хизмат қиламан» кўрсатувининг навбатдаги сонини томоша қиласиз.

Ушбу кўрсатувда қишки ўқув мавсумининг якунларига бағишланган таҳлилий махсус сони намойиш қилинади. Кўрсатувдан Қуролли Кучларимизда Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб ўтказилган тадбирлар ўрин олган.

Шунингдек, ёш аскарларнинг дастлабки ўқув машғулотларига, қўшинларнинг ёзги ўқув мавсумига тайёргарлиги ҳам кўрсатувда батафсил ёритилади.

Кўрсатувнинг такрорий намойишини сешанба, 11 май куни, соат 16.55 да кўришингиз мумкин.

**ОТВЕТЫ НА КРОССВОРД, ОПУБЛИКОВАННЫЙ В № 48**

**ПО ГОРИЗОНТАЛИ:** 1. Розыгрыш. 5. Баклажан. 9. Анл. 10. Стан. 11. Треп. 12. Плисецкая. 15. Дукат. 18. Бекон. 19. Пылесос. 21. Светлов. 22. Деревня. 25. «Актриса». 26. Регби. 27. Индюк. 31. Акробатика. 35. Нрав. 36. Гоби. 37. Око. 38. Виноград. 39. Эвкалипт.

**ПО ВЕРТИКАЛИ:** 1. Рассудок. 2. Знак. 3. Рояль. 4. Шанс. 5. Блиц. 6. Кураж. 7. Жара. 8. Напарник. 13. Канделябр. 14. Дешевизна. 16. Клевета. 17. Всадник. 19. Полка. 20. Саржа. 23. Тургенев. 24. Вокалист. 28. Сквер. 29. Окрик. 30. Каин. 32. Овод. 33. Алоэ. 34. Сочи.

## КРОССВОРД




**ПО ГОРИЗОНТАЛИ:** 7. Церковный атрибут. 8. Шахматная ситуация. 10. Анод+катод. 11. И созвездие Северного полушария, и хищное животное. 12. Рыболовная сеть старика из сказки А. Пушкина. 13. Русский ледокол. 15. Восстание (син.). 16. Часть затвора стрелкового оружия. 17. Финансовое окошко. 21. Длительный промежуток времени. 22. Манильская пенька. 23. Способ найти. 25. Небольшая кадка. 27. Древние счеты. 28. «Волноуловитель». 29. Горизонтальная или наклонная горная выработка, имеющая непосредственный выход на земную поверхность.

**ПО ВЕРТИКАЛИ:** 1. Эта птичка в тридцать тысяч раз легче страуса. 2. В Англии: высший дворянский наследственный титул. 3. Итальянская кинодива, которой сеанс хирургического «омоложения» однажды едва не стоил жизни. 4. До мотоцикла не дорос. 5. Кутюрье, с чьим именем связан популярный одеколон «Фаренгейт». 6. Продавец в небольшой торговой точке. 9. Человек, ограниченный по показателям здоровья. 14. Она украла у Карла кларнет. 15. Рассказ Чехова. 18. В старину: долгополый кафтан с короткими широкими рукавами. 19. Друг Аладдина. 20. Ее столица — Киев. 23. Картина на потолке. 24. Чертеж небесного тела или звездного неба. 26. Марк ... (писат.). 27. Первое телефонное слово.

Составила З. ИСАКОВА.

# АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ

**ОВЕН.** Положение и состояние значительно улучшатся, появится шанс восстановить позиции и плодотворно работать. Яркий старт и стремление позволят преодолеть многие препятствия. Не переоцените возможности. Причиной конфликта могут стать категоричные высказывания. Придется отвечать за ошибки самостоятельно. Не занимайтесь самообманом. Начинайте переделывать как только заметили брак.

**ТЕЛЕЦ.** На работе могут возникнуть мелкие неприятности. Будете обеспечены симпатией и поддержкой друзей и единомышленников. Цените и уважайте свой труд. Демонстрация самокритичности приведет лишь к тому, что дадут понять как вы плохо справляетесь с обязанностями. Возможны интересные деловые встречи.

**БЛИЗНЕЦЫ.** Проявите разумную осторожность, общаясь с партнерами. Потребуется мгновенная реакция и умение быстро принимать решение. Желательно разобраться со старыми проблемами. Придется отстаивать реалистичность планов и замыслов перед начальством.

**РАК.** Не давайте воли собственной мнительности. Сложности останутся в прошлом, дел станет меньше. Сил все равно не будет хватать. Можете приготовиться к поражению. Может взбодрить новая и очень интересная информация. Все задуманное осуществится благодаря помощи друзей и близких.

**ЛЕВ.** Желательно сконцентрироваться на расширении деловых связей. Обещайте только то, что сможете выполнить. Не рискуйте подорвать авторитет. Лучше не пытаться отстаивать свои планы и замыслы перед начальством. Не упустите возможность повысить уровень знаний.

**ДЕВА.** Неделя может оказаться решающей в деле разгребания накопившихся дел. Не рекомендуется обращаться за покровительством. Следует сконцентрироваться и добросовестно выполнять свое дело. Не создавайте лишних проблем стремлением все держать под контролем. Будьте внимательны в финансовых делах. Может обрадовать интересная информация.

**ВЕСЫ.** Попытки обособиться или уединиться не приведут к желаемому результату. Могут испортить отношения с окружающими. Знания будут востребованы, а юмор уместен. Возможно овладение новыми профессиональными знаниями и навыками. Могут произойти события, которые позволят обрести новые возможности.

**СКОРПИОН.** Наиболее заметных результатов удастся достичь в самосовершенствовании. Займитесь самообразованием. Избегайте ссор с родственниками. Сделки будут, скорее всего, приносить доход. Удачны встречи, обмен информацией и короткие деловые поездки. Желательно не строить наполеоновских планов.

**СТРЕЛЕЦ.** Может ожидать успех в делах. Будете лучшей кандидатурой на проведение важных переговоров. Постарайтесь быть более терпимым по отношению к семье. Не желательно начинать что-то новое, лучше разобраться со старыми проблемами. Партнеры могут предложить интересный проект.

**КОЗЕРОГ.** Желательно привести в порядок максимальное количество дел. Особенно хорошо будут удаваться дела бумажные. Не стоит доверять советам посторонних людей. Нежелательны поездки и командировки, лучше их перенести.

**ВОДОЛЕЙ.** Будут шансы добиться успеха. В числе первых узнаете важные новости. Многие дела и проекты потребуют дополнительных трат и усилий. Не бойтесь расставаться с ненужными вещами. Острословить не следует. Удачны деловые переговоры, подписание договоров и сделок. Стоит прислушаться к разговорам коллег.

**РЫБЫ.** Душа будет требовать романтики. Звезды рекомендуют проявить большую практичность. Судьба может дать шанс решить проблемы. Не помешает чувство меры. В любых делах ищите для себя пользу. Придется рассчитывать только на свои силы. Лучше не спорить с начальством. Отнеситесь серьезно к новому деловому предложению.

**Мудофаа вазирлиги ва Қуролли Кучлар Бирлашган штаби раҳбарияти полковник Шавкат Турсунпўлатович Норматовга онаси ОЗОДА аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.**

Бош муҳаррир
полковник
Исрмуҳаммад
АБДУКАРИМОВ

Газета сешанба, пайшанба, шанба кунлари чиқади.

АЛОҚА ТЕЛЕФОНЛАРИ:
Обуна бўлими — 56-03-46.
Маълумот, реклама — 56 54-76.
Факс (3712) — 56-07-80.
Таҳририят манзили: 700031, Тошкент шаҳри, Д. Кўнаев кўчаси, 21-уй.

Реклама ва эълонларнинг ҳаққонийлиги учун реклама берувчи жавобгар ҳисобланади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.
«Ватанпарвар» газетаси босмахонасида чоп этилди.

Буюртма № 0156.